O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 14 август № 168 (3443) Шанба


## Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига

*Ҳурматли опа-сингиллар!*

*Авваламбор, сиз, конференция қатнашчиларига, сизлар орқали мамлакатимизнинг барча аёлларига ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.*

*Бугунги кунда сиз, муҳтарама аёлларимизнинг оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларни сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётганингизни мамнуният билан эътироф этамиз.*

*Айни вақтда республикамиздаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, холисона баҳо берар эканмиз, улар аёллар манфаатининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айланиши учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам яхши англаймиз.*

*Ўйлайманки, бугунги анжуманда сизлар бу борада барчамизни ўйлантираётган, безовта қилаётган долзарб муаммоларни, жумладан, жойлардан чиқаётган таклиф-ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аёлларимизни айниқса қишлоқ жойларида иш билан таъминлаш, уларнинг ўз меҳнати билан даромад топиш имкониятига эга бўлиши, бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган ғоя ва қарашларга қарши курашдаги ўрни ва ҳаётимизнинг ўзи тақозо этаётган барча йўналишлар бўйича хотин-қизлар қўмиталари ишини замон талаблари асосида тубдан қайта ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни атрофлича чуқур муҳокама этасиз.*

*Хусусан, ёшлар тарбияси, уларни турли бузғунчи оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишдек мураккаб ва масъулиятли ишда биз маҳалла идоралари таркибида янги ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатадиган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, оқ-қорани яхши ажратадиган аёлларимизга катта умид ва ишонч билдирамиз.*

*Хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътибори марказида бўлиб келаётганидан, бу соҳада изчил амалга ошираётган жиддий ишларимиз халқаро ҳамжамият томонидан тан олинаётганидан, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз. Биз ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялаш йўлида барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Ва бу масалада албатта сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фаоллиги ва фидойилигига таянамиз.*

*Бугунги замон, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифа — фуқаролик жамиятининг асосий бўғинлари бўлмиш маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг ишини такомиллаштириш, уларга суянган ва таянган ҳолда аёлларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш, опа-сингилларимизнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлашда қонуний кафолатларни яратиб беришдан иборатдир.*

*Мамлакатимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг асосий гарови бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бу соҳага ёшларимизни жалб қилиш мақсадида уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш тизимини барпо этиш, хотин-қизларимизнинг ишбилармонлик қобилияти ва интилишларини қўллаб-қувватлаш давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.*

*Менинг энг катта орзу-мақсадим — ўйлайманки, ўзини шу юрт ўғлонлари деб биладиган барча инсонлар бу фикрга албатта қўшилади — сиз, муҳтарама аёлларимизни ҳамиша гўзал ва бахтли, ҳаётдан рози ҳолда кўриш ва бу олижаноб ишга ўз ҳиссамни қўшишдир, десам, ҳеч қандай хато бўлмас.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, конференция ишига эса самара ва муваффақият тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



*Инобат Дадабоева — зиёкор. Жарқўрғон тумани марказида Дадабоевлар оиласидан беш нафар ўқитувчи етишиб чиққан. Шунинг учун жарқўрғонликлар бу хонадонни зиёлилар оиласи, деб ҳурмат билан тилга олишади. Тумандаги 19-ўрта мактабда ўқитувчилик, Алишер Навоий номли маҳаллада диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатаётган Инобат Дадабоева минглаб шогирдлари билан фахрланади. Ўттиз беш йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган бу мўътабар онахон тумандаги 78 минг хотин-қиз номидан Республика хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат бўлиб келди.*

*Бугун И. Дадабоева пойтахтда ўтказилаётган Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференциясида қатнашади. Бу ҳам ишонч, ҳам масъулиятдир.*

**СУРАТДА: Инобат Дадабоева (ўнгда) шогирди Наргиза Қодирова билан.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).*** Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) президенти ва раиси Шин Донг Кю раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси молия вазири Саидаҳмад Раҳимов билан учрашди.

Томонлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланаётганини таъкидлаб, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ҳукумати билан Жанубий Корея Эксимбанки ўртасида «Ўзбекистон Республикасида устувор соҳалар учун кадрлар тайёрлаш бўйича касбий таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасидаги кредит битими имзоланди.

Умумий ҳажми 27 миллион АҚШ долларига тенг мазкур кредит ҳисобидан икки ярим йил ичида мамлакатимиздаги саноат ва қурилиш соҳаси бўйича таълим беришга ихтисослашган олтмиш коллеж энг замонавий асбоб-ускуна, ўқув қуроллари билан жиҳозланади.

Айтиш жоизки, «Ўзбекистон Республикасида устувор соҳалар учун кадрлар тайёрлаш бўйича касбий таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасидаги биринчи кредит Корея Республикаси томонидан 2001 йили ажратилган эди. Ҳажми 35 миллион долларни ташкил этган ушбу маблағ эвазига мамлакатимиздаги 217 коллеж замонавий асбоб-ускуна, ўқув қуроллари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Олий Мажлисда



***Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов бошқарди.***

## Бюджетлараро муносабат такомиллашмоқда

Дастлаб депутатларни парламентнинг XV сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалалар билан таништирилди. Қўмита аъзолари уни бир овоздан тасдиқладилар. Сўнгра иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярмидаги ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва параметрлари тўғрисида молия вазири С. Раҳимов ахборот берди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджетининг ижроси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,3 фоиз профицит билан бажарилган. Бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, 2005 йилда ҳам макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланиш тенденцияси ва ўсиш суръатлари давом этиши кутилаяпти. Келгуси йилда иқтисодиётдаги солиқ юкини янада пасайтириш мўлжалланмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари «Жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ҳам муҳокама қилдилар. Депутатлар ушбу лойиҳалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Қонун берган имконият

***Тадбиркорларнинг иқтисодиётимиздаги улуши йил сайин ошиб бораяпти. Бунда, сўзсиз, уларнинг фаолият кўрсатиши учун яратиб берилаётган ҳуқуқий асослар қўл келмоқда. Мисол учун, Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун шундай хўжалик шаклида иш юритувчиларга катта имкониятлар эшигини очди.***

Бугун бемалол айтиш мумкинки, ушбу қонун билан кичик бизнес вакилларининг манфаатлари нафақат ҳимоя қилинаяпти, балки уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланаяпти ҳам. Самараси эса ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2004 йилнинг олти ойи мобайнида хусусий корхоналар сони 11,2 фоизга ортди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 29,1 фоизга етди. Жорий йил бошида кучга кирган мазкур қонун хусусий корхоналарнинг бошқа корхоналардан ташкилий-ҳуқуқий фарқларини ва афзаллик томонларини кўрсатиб берди. Айниқса, тадбиркорнинг (корхона эгасининг) даромадлардан солиқ тўлашида киритилган ўзгариш ставкаси уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланишларига замин яратаяпти.

Албатта, жамиятда янги қонун амалга киритилгач, тегишли идоралар унинг талабларига риоя этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриши лозим. Парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида амалий семинар уюштирди. Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида бўлиб ўтган бу тадбирда мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар раҳбар-ходимлари қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Шунингдек, соҳада юзага келаётган тўсиқ ва муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олдилар.

**Х. ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**Бундан ўн уч йил аввал бизнинг тил бойлигимизда «тадбиркор» ва «фермер» деган сўзларнинг ўзи йўқ эди. Бугун-чи?**

**Мамлакатимизда тадбиркорлар бошқараётган салкам 250 мингта кичик корхона фаолият юритмоқда. Бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилаяпти.**

**Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 1999 йилда 29,1 фоиз эди, холос.**

**Барча вилоятларда эса 87,5 мингдан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 603 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 14 фоизи, ғалла ва пахта ҳосилининг учдан бир қисми фермерлар томонидан етиштирилаётир.**

**Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати, ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган сиёсатнинг натижасидир.**

**Қуйида тадбиркорлик ва фермерлик соҳаларида фаолият кўрсатиб, республикамиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир хусусий корхонанинг ишлари билан танишасиз.**




## ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛДИ

АФИНА (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ).

***13 август куни Греция пойтахти Афина шаҳрида спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланди.***

Олимпиада ўйинлари илк маротаба эрамиздан аввалги 776 йилда Олимпия шаҳрида ўтказилган эди. Бу қадимий мусобақанинг замонавий кўринишига барон Пьер де Кубертен асос солган. Ҳозирги шаклдаги Олимпиада ўйинларига ҳам Афина мезбонлик қилган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган дастлабки ўйинларда ўн тўртта мамлакатдан 311 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада ўйинлари ер куррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашувлар, мусобақаларга жалб қилди. Гарчи Олимпиада ўйинларининг 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган белгиси — кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта халқа қадимги юнон ашёларидаги тимсоллардан олинган бўлса-да, бугунги кунда у Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралияни бирлаштириб турувчи ришта сифатида талқин қилинади.

Ўртасида бешта халқа тасвирланган Олимпиада ўйинларининг оқ байроғи тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада ўйинлари чоғида уруш ҳаракатлари, қуролли тўқнашувлар тўхтатилгани сир эмас.

...XXI асрдаги илк Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими Афинадаги стадионда ўтказилди.

Одатга кўра, майдонга биринчи бўлиб Греция спортчилари чиқиб келди. Очилиш маросимининг энг қизиқарли қисми бўлган мазкур парадда иштирокчи мамлакатлар спорт делегациялари томошабинлар олқишлари остида майдон бўйлаб саф тортди.

Ниҳоят, Ўзбекистон байроғини баланд тутган халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги ғолиби, Осиё чемпиони, жаҳон универсиадаси ва жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев стадионга кириб келди. Унинг ортидан атлас кўйлак, зар дўппи кийган гўзал қизларимиз, бош кийимида юртимиз байроғи акс этган алпқомат йигитларимиз минглаб мухлислар олдидан ўтдилар.

Стадионда 202 мамлакат жамоаси саф тортди.

Олимпиада ўйинлари мадҳияси янграб, Олимпия байроғи кўтарилди.

Олимпиада ўйинларининг асл ватани — Олимпия шаҳрида қуёш нурлари ёрдамида ёндирилган машъала стадионга олиб кирилди. Бу машъалани уч ярим мингдан зиёд спортчи 35 кун давомида дунёнинг 27 мамлакати бўйлаб кўтариб ўтган.

Олимпиада машъаласини елканли қайиқда сузиш бўйича Олимпиада чемпиони, грециялик Николаос Какламанакис ёқди.

Тинчлик рамзи — кабутарлар осмонга учирилди.

Барча олимпиадачилар, расмий кишилар Олимпиада ўйинлари ҳалол ўтказилиши учун қасамёд қабул қилдилар.

Шундай қилиб, XXVIII Олимпиада ўйинлари бошланди. Унда мусобақа тарихида энг кўп — 202 мамлакатдан келган спортчилар спортнинг 37 тури бўйича ғолиблик учун куч синашадилар.

Ўзбекистон шарафини 69 нафар йигит-қизларимиз спортнинг 15 тури бўйича ҳимоя қиладилар.

Тадбиркорлар сулоласи



## Бобомурод мулкдорнинг мероси

***етти нафар тадбиркор ўғлига бўлиб берилгандан сўнг «Пахтачисут» хусусий корхонасининг довруғи нафақат Самарқанд вилоятига, балки бутун республикага ёйилди***

### Ота васияти

Бобомурод Тошев роппа-роса 888 ой, яъни 74 йил умр кўрди. Халқ таълими тизимида 40 йилдан зиёд ишлаган отанинг ўзига яраша мол-мулки бор эди. Аммо у «Менинг энг катта бойлигим — бу фарзандларимдир!» дея фахрланарди.

Гап шундаки, Бобомурод ака ва унинг турмуш ўртоғи Баҳрам опа 8 нафар ўғилни тарбиялаб ўстирди. Уларнинг ҳаммаси меҳнатсевар, хуш ахлоқли, меҳр-оқибатли инсон, малакали мутахассис бўлиб вояга етди. Лекин Зафаржоннинг умри қисқа экан — ана шу учинчи фарзанд 25 ёшида Бухородаги касалхонада ошқозон-ичак касаллиги операциясидан чиқмади...

Умр дегани ҳисоблидир. Бобомурод бува ҳам ўтган йили қазо қилди (иккаласининг жойи жаннатда бўлсин, илоҳим!).

У ёруғ оламдан кўз юмар чоғида ўғилларини қошига чорлаб, ҳар бирига ўзининг ҳалол меҳнати маҳсули — ишлаб чиқариш корхоналарини мерос сифатида бўлиб берди. Хусусан, тўнғичи Ўктамга — «Зафар-Осиё» масъулияти чекланган жамияти, Шуҳратга — «Пахтачигўшт» хусусий корхонаси, Давлатга — Тошкентдаги «Шаҳристон» савдо маркази, Ҳамзага — «Пахтачисут» хусусий корхонаси, Ҳикматуллага — «Лаззатбахш» савдо маркази, кенжатой Акрамжонга эса Голландия пишлоғи, музқаймоқ, сариёғ, ҳасипли пишлоқ, парҳезли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари тегди.

— Мавжуд ишлаб чиқариш субъектларимизнинг бари бош корхона — «Пахтачисут» хусусий корхонаси асосини ташкил этади, — деб уқтирди Бобомурод ота сўнгра. — Шунинг учун бош корхонанинг раҳбари Ўткир Тошев бўлсин. Ўткир давлат идораларида ишлаб, бу соҳада катта тажрибага эга бўлгани учун унга шундай масъулиятли вазифани ишониб топшираяпман. Ҳамза «Пахтачисут»нинг иш юритувчиси, Шавкатжон эса раҳбарнинг ўринбосари бўлади. Иккови, шунингдек, «Бобомурод бобо» фермер хўжалиги, автотранспорт саройи ва янги «Родник-Пахтачи» қўшма корхонасини ҳам бошқаради.

Васиятим шуки, мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилгани учун шундай бойликка — мол-мулкка эга бўлдик. Буни бир дафъа бўлса-да унутмангиз, Истиқлол қадрига етингиз. Яна шуни ёдингизда тутингки, агар бир-бирларингиз билан аҳил-иноқ бўлсангиз, оғир дамларда бир-бирингизни қўллаб-қувватласангиз, қишлоқ аҳлига, бева-бечораларга саховат кўрсатсангиз, бирингиз икки бўлади, муҳими, эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлиб, ҳурмат-эътибор топасиз.

Биз «Пахтачисут» хусусий корхонасининг кенг тармоқли фаолияти билан танишгач, ота васияти ижобат бўлаётганига амин бўлдик.

### Зиёвуддин қишлоғининг голланд пишлоғи

Зиёвуддин — «Самарқанд-Навоий» автомобиль йўлининг бўйидаги қишлоқ, Пахтачи тумани маркази. Шу олис қишлоқнинг Мирзо Улуғбек номли маҳалласида жойлашган «Пахтачисут» хусусий корхонасининг бир цехида жаҳонга машҳур Голландия пишлоғи ишлаб чиқарилаётганини кўриб, тўғриси, ҳайратга тушдик. «Голландия пишлоғи» деб аталувчи бу цехда Россия ускуналари ва Голландия технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда 20 тонна сут қайта ишланиб, ундан ҳар бўлаги 4 килограммлик сир тайёрлаш имкони мавжуд.

Технолог Люба Колесникованинг айтишича, сут аввал пасталаш цехида пиширилиб, сиғими 5 тонналик ваннага ҳайдалади. Ванна тўлгач, унга махсус препарат — уйитқи (пенсюн) солиниб ивитилади. 40 минут мобайнида сутдан зардоб ажратиб олинади. Қолган тўппа (дон) эса қолипларга қуйилиб зичланади. Бу жараён 40 минут давом этади.

Сўнгра қолиплардаги пишлоқ махсус ҳовузчалардаги номакобли сувда бир ҳафта туради. Пишириш хонасида, 7-8 даража ҳароратда эса пишлоқ бўлаклари бир ой сақланади. Ҳар куни

(Давоми 2-бетда).

*Орамиздаги одамлар*

***Термиз тумани марказий йўлининг бекатларидан бирида кимнингдир атрофини ўраб олишганди. Уларнинг кўзларида самимий хайриҳоҳлик ва ачиниш ҳисси акс этарди. Бирдан енгил машина келиб тўхтади. Ундан шошилиб тушган киши зангори папкасидан қандайдир тиббиёт асбобини олди-да, йўловчилар орасини ёриб, беморга яқинлашди. Беҳол қариянинг томирини ушлаб кўриб, нафас уришини текширди. Кейин кичик шиша идишдаги доридан бир чой қошиқда унга ичирди. Отахон сал ўзига келгач, уни ўша дўхтирнинг машинасига ўтказишди.***

# НАЖОТБАХШ ОЛИМ

Машина Учқизил қўрғонидаги Саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий-тадқиқот институти туман филиали дарвозаси олдида тўхтади. Икки нафар шифокор беморни палатага олиб кетишди. Солиҳ ота Тенгрибердиев ўзига келгач, ҳамширалардан ўша куни унга ёрдам кўрсатиб, шифохонага олиб келган кишини суриштирди.

— У институтимиз директори Зокиржон Зуннунов бўладилар, — деди ҳамшира, — тиббиёт фанлари доктори, профессор. Мана шу клиникага у киши асос солганлар. Домламиз табиий даволаш усулини яратганлар.

Буларни тингларкан, Солиҳ ота халоскорига миннатдорчилик билдиргиси келди. Шу ният билан директор қабулига кирмоқчи эди, котиба бошлиқнинг ҳузурида хорижлик меҳмонлар борлиги ва у яқин ўртада бўшамаслигини айтди. Отахон унга миннатдорчилик хатини тутқазди.

Бундай хатлар кўп. Зокиржон ака ишдан сал қўли бўшади, дегунча уларни ҳаяжон билан ўқийди. Кўнгли таскин топгандек бўлади. У ҳақда илм аҳллари, мутахассислар ва тиббиётнинг йирик вакиллари билдирган фикрлар талайгина.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур институтда З. Зуннунов раҳбарлигида илк бора қуёш нури таъсирида қизиган бархан қумлардан ванна қабул қилиш йўли билан даволаш усули жорий этилди ва у ҳақли равишда бу усулнинг асосчиси бўлиб қолди. Олим иссиқ ва қуруқ иқлим (ариззона)да юрак-қон томир тизимининг зўриқиб ишлаши натижасида пайдо бўладиган ҳолатнинг клиник физиологик сабабларини чуқур ўрганиб, «Иқлимий (метеорологик) зўриқиш синдроми» рўй беришини исботлади ва бу йўналишни тиббиёт фани ҳамда амалиётига олиб кирди. Муолажа жараёни узоқ давом этадиган сурункали бронхитни Хўжаикон туз ғорида даволашнинг ўзига хос усулини илк бор йўлга қўйди. Олим етакчилигида бош мия қон айланиши бузилишининг дастлабки кўринишларини даволашда, табиий, яъни сауна ва псаммотерапия усуллари муваффақиятли қўлланилди. Ўзбекистон тиббиёт фани «Арид кардиологияси» ва «Арид физиологияси» иборалари билан бойиди.

Албатта, ишнинг бошланиши осон кечаверди. Илмий-текшириш институти шу ҳолатга келгунча қанча сувлар оқиб ўтди. Институтнинг Термиз филиали эса 1990 йилда Термиз туманидаги «Жайронхона» вилоят физиотерапия шифохонаси базасида ташкил этилди. Дастлаб 3 нафар илмий ходим билан бошланган ушбу илм даргоҳи 1991 йилда мазкур туманнинг Учқизил қўрғонига кўчирилиб, 60 ўринга мўлжалланган клиникага асос солинди. Орадан тўрт йил ўтгач эса институтнинг янги клиникаси барпо этилиб, ўринлар сони 140 тага етказилди. Бундай шароит янги бўлимлар — кардиология, неврология, пульмонология, терапия ҳамда қум билан даволаш ва бошқа бўлимларни ишга туширишни тақозо этди. Сал кейинроқ эса бальнеология ва йодобромли сув ила муолажа қилинадиган 300 ўринли бўлимлар ишга туширилди.

— Айни пайтда даволаш ишларида 60 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда, — дейди Зокиржон Зуннунов. — Шуни таъкидлаш жоизки, жамоамизнинг изланишлари боис иқлим шароити билан боғлиқ юрак-қон томир, нафас органлари ва асаб тизимининг зўриқиб ишлашига сабабчи омиллар асослаб берилди.

Ўнлаб шогирдларнинг устози бўлмиш Зокиржон Зуннунов Нью-Йорк фанлар академияси ва Америка Миллий географлар илмий ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси. Шунингдек, у Мексиканинг Халқаро сифат олтин медали совриндори. Марказий Осиё Терапевтлар ассоциацияси аъзоси ҳамда шундай уюшманинг вилоят филиали раҳбари сифатида тиббиёт илми ривожига сезиларли улуш қўшишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, илмий ишлари эътироф этилаётган, меҳнати қадр топаётган юртимизда истеъдодли олимнинг масъулиятни чуқур ҳис этишдан бошқа яна қандай муддаоси бўлиши мумкин, ахир?!

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Омон ШУКУРОВ.**
**Сурхондарё вилояти.**



# Мамлакатимиз сиҳатгоҳлари



Саратоннинг айни жазирама кунларида сураткаш Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ тасвирга туширган мана бундай атрофи тоғ билан ўралган, баҳаво, хушманзара ерларда дам олиб, даволанишга нима етсин. Бу Жиззах вилояти, Зомин туманидаги миллий боғ ҳудудида жойлашган "Оналар ва болалар" сиҳатгоҳидир. Оминда бўлганлар билишади — асли бу ернинг соф об-ҳавоси, гўзал табиати киши дилини баҳраманд этади, турли хасталиклардан фориғ бўлишда асқотади. Қолаверса, бу маскан доривор гиёҳлар макони ҳамдир.



Сиҳатгоҳда бир йўла 400 нафар киши даволаниши мумкин. Катталар ва болаларнинг саломатлигини тиклаб, дам олиши учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Масканда ишловчи мутахассисларнинг кўпи шу ерликлар. Асаб касалликлари шифокори Гулсара Ҳасанова (суратда)ни даволанувчилар "қўли енгил дўхтир" деб таърифлашади. Сиҳатгоҳда бундай шифокорлар кўплаб топилади.

*Пойтахтимизда*

***Кеча Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Осиё маданияти ва ривожланиш институти (Корея) ва Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамкорлигида «Марказий Осиё тарихида XX аср: воқеалар, тенденциялар ва сабоқлар» мавзусидаги халқаро илмий анжуман иш бошлади.***

# Халқаро анжуман

Конференцияда Корея, Россия, Қирғизистон, Озарбайжон, Польша, Қозоғистон давлатларидан келган 50 дан ортиқ етакчи олимлар ва республикамизнинг кўплаб илм-фан вакиллари қатнашмоқда.

Икки кун давом этадиган ушбу анжуманда XX асрда содир бўлган маданий, иқтисодий, тарихий, сиёсий жараёнлар ҳақидаги илмий маърузалар тингланади.

Конференциянинг учта муҳим аҳамияти ҳақида анжуман қатнашчилари алоҳида таъкидлаб ўтишди. Биринчидан, ушбу халқаро анжуман илк марта турли ижтимоий фанлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Унда фақат тарихчилар эмас, турли давлатлардан келган археология, этнология, санъатшунослик, иқтисод, ҳуқуқ, сиёсат, тил, халқаро муносабатлар, маданият каби соҳа мутахассислари қатнашмоқда. Иккинчидан, Марказий Осиёда XX асрда содир бўлган воқеаларни бошқа давлат вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама қилинади. Учинчидан, айнан бир ҳудудда бўлиб ўтган ходисаларга дунё олимлари эътиборлари қаратилади ва бу ҳодисанинг жаҳон миқёсидаги ўрни таҳлил этилади.

Ўтказилаётган бундай анжуманлар олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот натижаларини дунё миқёсига олиб чиқишда катта восита бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Ўз мухбиримиз.**

# Оғунинг асорати оғир

Ички ишлар вазирлиги ЙҲХББ ҳамда унинг жойлардаги бошқарма ва бўлинмалари ходимлари қатор йиллардан бери ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши мунтазам кураш олиб бормоқда. Бу соҳада етарлича иш тажрибаси мавжуд. Яқинда Сирдарё вилояти давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ИИБнинг бошқа хизмат соҳалари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда «Сирдарё» ЙПХ масканида «Гулистон — Тошкент» йўналишида келаётган фуқаро Орзиқул Одилов бошқарувидаги «ЗИЛ ММЗ-4502» русумли автомашина тўхтатиб текширилади. Шунда унинг кузови тагидаги метал қути ичидан 141 килограмм «опиум» гиёҳвандлик моддаси топилди. Албатта, ушбу ҳолат бўйича тергов ишлари бошланган. Аммо гап ҳозир гиёҳвандлик моддасини ғаразли мақсадларда мамлакатимиз ичкарисига яширинча олиб кириш ва унинг оғир оқибатлари ҳақида бормоқда. Энди тасаввур қилинг, агар мазкур жиноят фош этилмаганида қандай воқеалар содир бўлиши мумкин эди? Шубҳасиз, четдан яширинча олиб келинаётган «опиум» қанчадан-қанча кишилар саломатлигини издан чиқарган, оилалар тинчини бузган ва бошқа жиноятлар юз берган бўларди.

*Қилмиш-қидирмиш*



Сурхондарё вилоятида ўтган тезкор тадбир пайтида «Сариосиё-Тошкент» йўналиши бўйича қатнаётган Бахтиёр Ибодуллаев бошқарувидаги «КамАЗ-5320» автомашинаси тўхтатилиб текширилганди. Машинага картошка юкланган экан. Бироқ картошка остида 106 килограммдан ошиқ «героин» ҳамда 119 килограммдан зиёд «опиум» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Мазкур жиноий ҳолат бўйича тергов-суриштирув ишлари бошланган.

Ташқаридан қараганда, картошка олиб кетаётгандай кўринган бу юк машинаси ҳайдовчисининг мақсад-муддаоси қандай бўлганлиги сир эмас. Бахтиёр Ибодуллаев мўмай пул ишлаш эвазига салмоқли миқдордаги гиёҳванд моддаларни мамлакатимиз ичкарисига олиб кирмоқчи бўлган. Аммо, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан мунтазам ҳамкорлиги натижасида жиноят ўз жойида фош этилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг 7 ойи мобайнида гиёҳвандликка қарши кураш юзасидан самарали натижаларга эришилганлигини таъкидлаш лозим. Ўтказилган тадбирлар давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ 932 та ҳолат аниқланди ва мамлакатимиз ичкарисига яширинча олиб кирилмоқчи бўлган 550 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси ушлаб қолинди.

Аср вабосига қарши кураш давом этаверади.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.**


*Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига асосан давлат мулкини хусусийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Шимолий вокзали олдидаги майдонда жойлашган

**«ЛОКОМОТИВ» МЕҲМОНХОНАСИ МАЖМУАСИ СОТИЛАДИ.**

**Меҳмонхона мажмуаси қуйидагилардан иборат:**

***ертўла хоналари, саккиз қаватда маъмурий ва яшаш хоналари, техник қават, болахона (чердак), бир қаватли бино, яшаш хоналари — 91 та, яшаш хоналаридаги жойлар сони — 180 та. Бинонинг умумий майдони — 6000 кв.м.дан ортиқ.***

**Мазкур меҳмонхона мажмуасини сотиб олмоқчи ёки уни сотиб олишда ўз улушини қўшмоқчи бўлган барча ташкилот ва жисмоний шахслар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин: 199-75-09, 199-74-94.**
**www. makler.uz**


*«Қалб зироати»*

**Қорақалпоғистон халқ шоираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти соҳибаси Гулистон Матёкубованинг «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилган китоби шундай деб номланади. Унда шоиранинг сўнгги йилларда ёзган энг сара шеърлари, «Дарёга ботган қуёш», «Зиёга ботган дарё», «Зулфия» достонлари, Ўзбекистон Қаҳрамони Онесия Саитовага бағишланган «Ойбалдоқ» асари киритилган.**

**Қорақалпоқ тилида нашр этилган ушбу тўрт юз бетлик китобга устоз адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қайипбергенов сўзбоши, профессор Норбой Худойберганов сўнгсўз ёзган.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


***Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, харидорлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо ташкилоти ва корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар диққатига !***



**ШУ ЙИЛ 23-27 АВГУСТ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, ҚАРШИ, НАМАНГАН, УРГАНЧ ШАҲАРЛАРИДАГИ**

**доимий фаолият юритаётган минтақавий кўргазмали-савдо ярмаркаларида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича**

**МАВСУМИЙ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.**





«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча енгил саноат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

| | Шаҳарлар | Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент | Навоий ва Фурқат кўчалари кесишган чорраҳа (Хадра майдони), «Халқ истеъмол моллари Тошкент регионал ярмаркаси» МЧЖ |
| 2. | Самарқанд | Тошкент кўчаси, 15-уй, «Самарқанд улгуржи чакана савдоси ярмаркаси» МЧЖ |
| 3. | Қарши | Ўзбекистон кўчаси, 184-уй «Наргиза» МЧЖ |
| 4. | Наманган | Бобур шоҳкўчаси, 17-уй, «Лола» савдо комплекси |
| 5. | Урганч | Ўзбекистон кўчаси, 2-уй, «Урганч универмаги» |

**ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ !**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-10-93, 139-46-97.**



**«GARANT MEBEL» МЧЖ**

**мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.**




*Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.*

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17.
Факс: 152-21-82.



**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



**Katris ФИРМАСИ**

**МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.**



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.


Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси агентликнинг Сирдарё вилояти бўйича махсус мухбири Акимжон Адизовга укаси

**Ҳасан АДИЗОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.00 3456